

Мирзо Хўқандий

ЙИГИРМА ҲИКМАТ

«Тухфатул атфол» («Болалар совғаси»)

Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти
1992

**Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи:
А. МАДАМИНОВ**

Ушбу рисола ҳикматлар йиғиндисидан иборат. Унда кишиларни, айниқса, ёш авлодни ахлоқ-одобга, маърифатга, сабр-қаноатга, инсоф ва диёнатга, меҳр-шафқат, саховат, адолат, ростгўйлик, ота-она, қариндош-уруғ, ёру дўстларни қадрлашга, инсондўстлик каби хислатларни эгаллашга даъват этилади.

Фарғона вилояти ижодкор ёшлар уюшмаси билан ҳамкорликда нашр қилинди.

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Мирзо Хайруллохон Саид Носирхон ўғли (Мирзо, Мирзои Хўқандий) машҳур ўзбек шоири ва кўзга кўринган маърифатпарварларидан биридир.

Бўлажак шоир 1880 йилда Қўқон шахрининг Саидқули қўшбеги маҳалласида (ҳозирги «Янги ҳаёт» кўчаси) хунарманд-қосиб оиласида туғилди. Дастлаб эски усул мактабида, сўнг «Мадрасаи Бузрукхўжа»да ўқиди. Ёшлигидан адабиётга, турли хунарларга қизиққан Мирзо Хайруллохон устозлари мавлоно Рожий, Найирий Хўқандийлардан шеърият қонун-қоидаларини, хаттотлик санъати сирларини ўрганди, хусусий мутолаа йўли билан кўп билим ҳосил

қилди.

1910 йилда ўз маҳалласидаги мазкур мадраса қошида янги усул мактаби очиб, 1926 йилгача халқ фарзандларини ўқитди, ижод этди.

1912 йилда «Маърифат» китобхонаси ва ўз нашриётини ташкил қилиб, кўплаб бадиий, илмий, методик адабиётларни нашр эттирди.

Мирзо мактаблар учун бир қатор қимматли, мустақил дарсликлар тузди, улардан айримларини ўз қалами билан кўчириб чоп эттирди. Булар жумласига «Туркий аввали илм», «Раҳбари алифбо» (1913), «Тухфатул-атфол» (1913), «Гулшани Мирзо», «Гулшани хаёл» кабиларни киритиш мумкин.

У истеъдодли таржимон сифатида форс тилидан «Ҳикматнома»ни, Убайд Зоконийнинг «Гурба ва муш» масалини, Абдурахмон Жомий муаммоларини ўзбекчага ўгирган. Жинсий тарбияга оид «Лаззатун-нисо» (1916), фалакиётга доир «Ихтиёроти камар» (1916), «Мадхали фанни нужум» рисоаларини, «Жумбоқлар мажмуаси» (1916), «Умдатул — ислом» (1916) асарларини ёзди.

Хаттот сифатида кўп асарларни, жумладан устоди, шоир Роший «Зарбул-масал»ини, шогирди Ҳамза Ҳақимзоданинг «Янги саодат» (1915), «Оқ гул» (1916), «Кизил гул» (1916), «Яшил гул» (1916), «Сариқ гул» (1916). «Пушти гул» (1916), «Сафсар гул» (1917), «Атр гул» (1919) асарларини, шоир асос солган ва муҳаррирлик қилган «Кенгаш» (1917), «Хуррият» (1917) журналларини, дўсти Муҳаммадҷон Холиқийнинг «Раҳбари тадрис» дарслигини хуснихат билан кўчириб чиқди ва мазкур китоблар унинг қалами билан чоп этилди.

Мирзо Хўқандий 1927 йилда кўконлик бир гуруҳ шоир, хаттот, мусаввирларни, хунармандларни атрофига йиғиб. «Куёш нури» бадиий буюмлар артелини ташкил этди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шоир жуда кўп хунар ва санъатлар соҳиби бўлган. Ойнак-кўзгу яшаш, турли буюмларга хуснихатлар ёзиш, «арби баҳор» қоғози, бадиий кўлёмалар, турли бўёқлар, шиор ва рекламалар тайёрлаш сингари нодир хунар ва санъатларни пухта билган ва шогирдларига эринмай ўргатган.

Серқирра ижодкор Мирзо 1937 йилда бир қатор фозил дўстлари, шогирдлари билан катағонга учради. 7 йиллик турма азобидан кейин,

1943 йилда Тошкент вилоятидаги «Яланғоч» маҳбуслар лагерида вафот этди.

Ўзининг ижодий фаолиятини инкилобдан илгари бошлаган Мирзодан бизга катта мерос қолган 15 минг мисрадан ортиқ шеърлари, «Мазлума қиз» пьесаси шулар жумласидандир.

Шоир ўз асарларида кишиларни илм-маърифатга даъват этди, юксак фазилатлар соҳиби, комил инсон бўлишга чақирди. Инсон шаънига ярашмайдиган ёмон одатларни, ярамас хислатларни кескин танқид қилди... .

Мирзоининг долзарб мавзуларда ёзган ҳажвий асарлари, публицистик мақолалари «Янги Фарғона» (Кўкон) газетасининг «Чиғирик» бўлимида тез-тез босилиб турган.

Ҳақ жойига қарор топди: Ўзбекистон Олий Суди томонидан Мирзонинг иши қайта кўриб чиқилиб, 1958 йил 29 декабрда оқланди.

Истеъдодли шоирнинг ҳаёти ва ижоди Раҳматулла Холиқов (мархум) томонидан махсус ўрганилган, номзодлик диссертацияси ёқланган.

Шоир туғилиб. ижод этган шаҳардаги 33-ўрта мактабга унинг номи берилган.

Дунёдаги барча махлуқотлардан улуғ ва мумтоз саналган инсон ўзининг шарафли номига муносиб бўлиши масаласи инсоният таракқиётининг барча босқичларида биринчи даражали иш деб ҳисобланган. Барча давр шоир, олимлари, мутафаккирлари жамият аъзоларининг юксак ахлоқ соҳиби, фозилу комил кишилар бўлишлари учун жидду жаҳд кўрсатганлар. Улар кишилар сифатини яхшилаш мақсадида одоб-ахлоққа доир кўплаб ўлмас асарлар яратганлар. Атоқли маърифатпарвар шоир, олим Мирзо Хайруллоҳон домланин «Тухфатул-атфол» рисоласи ҳам ана шулар жумласидан.

У инсон ҳаёти ва тарбияси учун зарур ва фойдали бўлган ҳикматлар — доно фикрлар баён қилинган асардир. Ахлоқ илмига оид бу рисолаининг асосини «Ҳикматнома», «Ҳикматлар ҳақидаги асар» ташкил этади.

Мирзо мазкур китобига Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Фурқат каби машҳур шоир-мутафаккирларнинг ҳикматли байтларини ва ўзининг пурҳикмат шеърларини, Нўширавони одилнинг доно вазири

Бузуржмехр билан Ҳиндустон ҳаками ўртасида бўлиб ўтган ибратли савол-жавобларни илова қилган.

Асарнинг мавзу доираси кенг. Унда комил инсонга муносиб юксак фазилатлар улуғланади ва тарғиб қилинади. Кишиларни, хусусан, ёш авлодни гўзал ахлоқ-одобли, илм ва хунарли, меҳнаткаш, собир, қонё, инсофли, диёнатли, саховатли, ҳалол, меҳр-шафқатли, мулойим, ширинсўз, камтар, кишиларга хайрихоҳ, кечиримли бўлишга, дунёга ортиқча ҳирс қўймасликка, нафсни тийишга, ота-она, қавму-қариндош, ёру дўстларни, саломатлик ва хотиржамликни қадрлаш кабиларга даъват этилади, тил одоби, жамоат ўртасида ўзни тутиш, меҳмон кутиш одоблари ҳақида қимматли насиҳатлар баён қилинади.

Муаллиф ҳақиқий инсонликка зид бўлган такаббурлик, жоҳиллик, ёлғончилик, ғазаб, тухмат, тамагирлик, бахиллик, дилозорлик, дунёпарастлик, душманлик сингари инсон шаънига ярашмайдиган хусусиятларни қаттиқ қоралайди.

Шўро даврида китобхонларга илк бор тақдим этилаётган «Тухфатул-атфол» жамиятимиз аъзоларини, айниқса, келажагимиз бўлган ёш авлодни юксак ахлоқли кишилар қилиб тарбиялашда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Рисоланинг жорий алифбодаги матнига мазкур асарнинг асли нусхаси кўчирмаси ҳам илова қилинди. Бу — ҳар икки ёзувдаги матнни қиёслаб ўқишга, ўқувчиларнинг эски ўзбек ёзуви бўйича саводхонлигини оширишга ёрдам беради.

**Аҳмад МАДАМИНОВ,
филология фанлари номзоди.**

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

АВВАЛҒИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Аввал ўзунгни тонуғил, яъни кибрни йўқ қилиб, куллуғинга муқир бўл. То худойи таборак ва таолони тониғайсен.

Э й а з и з! Илм ўрганурдин ва адаб ҳосил қилурдин ҳаргиз ор қилма.

Э й а з и з! Охират йўлиға жидду жаҳд айлаб, яхши амал бирла тўша жамъ қилғил.

Э й а з и з! Кўзни ҳар беҳуда нимарсаға солмоқдин ва тилни ҳар беҳуда нимарсаға юбормоқдин ва кулоқни ҳар беҳуда нимарсаға тутмоқдин соқлағил.

Э й а з и з! Ҳар бир узвнинг ўзиға лойиқ бир хизмати бордур. Ани ўзга ишға буюрмағил.

Байт:

Яхши ном истар эсанг оламда, эй яхши ўғул,
Жону дил бирла бу ҳикмат сўзини қилғил қабул.

ИККИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Оқил ва донишмандларнинг насиҳатларин жондин ҳам азизроқ билғил ва ҳаргиз аларнинг пандларин хор тутмағил.

Э й а з и з! Ҳар бир ишда шитоб ва таъжил қилмағил.

Э й а з и з! Ишинг бўлса, одамани билиб буюрғил.

Э й а з и з! Ҳар ишни донишмандларнинг маслаҳатлари бирла қилғил.

Э й а з и з! Бир синағон одамингни иккинчи бор синамағил.

Э й а з и з! Жаҳондийдаларнинг сўзларини ниҳоятда улуғ билғил. Зероки, алар ҳар ишда тажриба ҳосил қилғондурлар.

Э й а з и з! Ҳар ишни қилмоқда дармонда бўлсанг, билгувчилардин сўрғил.

Э й а з и з! Дунёнинг иқбол ва идборин итиёрингнинг қароргоҳидин ташқари билғил.

Байт:

Эсанг оқил, бу сўзни дийдаи жонингға қил сурма,
Кўзунг оч, жаҳл элининг сафлариға ўзни сен сурма.

УЧУНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Бир иш қилғилки, сендин элға ҳаргиз озор етмасун.

Э й а з и з! Ўзунгни доимо тақво ва парҳезкорлиқға
ёр қилғил.

Э й а з и з! Ҳамма умрунгни бир кунлик ва бу дунёни
охират зироатгоҳи деб англағил ва офият ва тандурустликнинг
қадрин билғил.

Эй а з и з! Бу оламнинг сафҳасиға бир яхши отингни биттуруб ва
ямон отингни йитурғил.

Байт:

Соқлағил бир яхши от ўзунгға, асло ўлмасун,
Эй Ҳувайдо, соқлағунча йилқида минг яхши от.

Э й а з и з! Ҳеч кишининг ранж ва ғамиға шодмон бўлмағил.

Э й а з и з! Ҳар ишнинг ўтғониға ва ҳар бир нимарсанинг
синғониға ва тўкулғониға ғам емағил.

Э й а з и з! Ҳар ишни худованди таолонинг тақдиридин билғил.

Байт:

Оқил эрсанг, сабр айлаб ҳар замон,
Қилма синғону тўкулғонға фиғон.

ТҶРТУНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Ғамлиқ ва дардлиқ кишиларнинг ҳолларидан ибрат олғил.

Э й а з и з! Мавридлиқ зиённи бемаврид етгон фойдадин яхши билғил.

Э й а з и з! Халойиқлар бирла ҳар ишда мадоро қилғил ва ҳар ерда мадоро бўлса, бош қайтармағил.

Э й а з и з! Ўз андозангдин ташқари қадам қўймағил.

Э й а з и з! Ҳар ерда тухмат ва ғазаб бўлса, андин йироқ бўлғил.

Байт:

Бўлса тухмат бирла ҳар ерда ғазаб,
Ўзни сен қилғил дур, эй ҳақ талаб.

Э й а з и з! Ямон одамлардин инъом олмағил.

Э й а з и з! Нокас ва бадасл кишилар бирла умр ўткармағил. Сўфи Оллоёр дебдурлар.

Байт:

Башар бўлсанг, қўй афъоли ба шарни,
Абас ўткармағил ишни, ашарни.

БЕШИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Ҳар ишни ўз қадр ва мартабангга лойиқ қилғил.

Э й а з и з! Ҳар нимарса ёки бировға инъом қилсанг, яна қайтариб олмағил.

Э й а з и з! Ҳеч кимдин эҳсонингни дариф тутмағил.

Э й а з и з! Бузурғларнинг бу сўзлариға назар қилғил. қилғил.

Байт:

Забаржад тоқ уза олтун ила бу сўз ёзилмишдур:
«Қарам аҳлининг эҳсонидин ўзга қолмағак боқий».

Э й а з и з! Ҳар сўзда зинҳор тилингни ва ҳар ишда қўлунгни соқлағил.

Э й а з и з! Одамлар писанд қилмас ишни ҳаргиз қилмағил.

Э й а з и з! Ямон ҳамнишинлардин йирок бўлуб, алар бирла суҳбат тутмағилким бу тўғриғадур мавлоно Фурқатий Хўқандийнинг бу байти:

Байт:

Ножинс суҳбатидин жон борича қочинглар,
Дўзах аро, чунончи, маъво қилиб бўлурму?!

Байт:

Фитроки ғамга ташла, жон булбулин кесиб бош
Зоғ ичра айлағунча олтун қафасда ҳамроҳ.
(Мирзо).

ОЛТИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Экин эқмоқчи бўлсанг, шўрлик ерларға эқмағилким,
Сўфи Оллоёр дебдурлар:

Байт:

Билиб, жойиға эқ кадди яминни,
Зироат айлама шўра заминни.

Э й а з и з! Авом халқиға қўшулмағил ва яхши кишиларнинг

суҳбатларидин қолмағил.

Э й а з и з! Нокас ва бадасл одамлардин қиз олуб ва аларға қиз бермағил.

Э й а з и з! Одамларнинг кул ва хизматкорлариға сўз ўргатмағил.

Э й а з и з! Ҳар кишиким худойи таолодин кўрқмаса, сен андин кўрқғил.

Э й а з и з! Аҳмақ ва маст одамларға панд бермағил.

Байт:

Яхши бўлмайдур ямон, ҳарчанд насиҳат айласанг,
Яхшиға панду насиҳат айламак даркор эмас.

ЕТТИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Ўз насиҳатингнинг кадрили яхши билиб, арзон баҳоға сотмағил.

Э й а з и з! Андоғ одамға насиҳат қилғилким, жону дил бирла қабул қилса.

Э й а з и з! Зердастларға тараххум бирла бўлғил ва ҳаргиз дилозорликнинг йўлиға юрмағилким, эшон Ҳувайдо айтибдурлар:

Байт:

Аёгим остида деб мўрчаеға зулм этма,
Ки, тонгла зулм элиға азобу меҳнат эмиш.

Улуғлуқ айлама зинҳор, ўзунгни тутғил кам,
Фақиру зору ҳақирлик на хуш фароғат эмиш.

Э й а з и з! Маъюслиқ ва бечоралиқға шукр айлағил ва фақир мутақаббир бўлмағил.

Э й а з и з! Очларнинг назарларида таом емағил ва кишиларнинг сўзларини сўзламағил.

САККИЗИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Ҳеч кимарсанинг меҳрибонлиғига қувонмағил.

Э й а з и з! Худойи таолодин ўзгага кўнгул бермағил.

Э й а з и з! Ҳақ толиби эрсанг, бу тўрт нимарсадин иккисини унут ва иккисини унутмағил.

Э й а з и з! Аввал сендин элға етгон яхшилиқни, иккинчи элдин сенга етгон ямонлиқни унутғил.

Э й а з и з! Аввал худойи таолони, иккинчи ўлумни унутмағил.

Э й а з и з! Хотунлар ва гўдақлар бирла ҳамсухбат бўлуб, алар бирла маслаҳат қилмағил.

Э й а з и з! Ажнабий хотунларни уюнгга киргузмағил.

Э й а з и з! Такаббур ва паришон одамлардин йироқ бўлғилким, алар сенинг кибринг ва паришонлиғингга сабаб бўлурлар.

ТЎҚҚУЗУНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Меҳмонни ниҳоятда азиз тутғил ва бу Ҳадиси шариф мазмунига амал қилғилким, расули акрам саллоллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурлар:

«Акримуз-зайфа ва лав кона кофиран».

Э й а з и з! Халқдин тамаъ риштасини узғил ва қаноат баҳрида болиқ каби юзғилким, Сўфи Оллоёр айтибдурлар:

Байт:

Тамаъ нониға лаб очғунча, ўл оч,
Тамаъ бўйи кўрунмай, бўйидин қоч.

Э й а з и з! Ота ва онангнинг ҳақларини ниҳоятда улуғ соқлағил ва аларнинг хизматларини жону дил бирла адо қилғил.

Э й а з и з! Қариндош-уруғларингдин мувосалат риштасини узмағил ва силаи раҳм иморатини бузмағил.

Э й а з и з! Сендин ҳар киши ҳожатини тиласа, қўлунгдин келса, куруқ ёндурмағил.

ЎНУНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Ҳар ким сенга илм ўргатса, андин ор қилмағил.

Э й а з и з! Ҳар ким илм ўрганурдин ор қилса, ани одам билмағил.

Э й а з и з! «Саломат ул-инсон фи ҳифз ил-лисон» мазмунига амал қилғил, яъни саломатликни тилни соқламоқдин билғил.

Э й а з и з! Наҳот топмоқни рост сўзламоқдин билғил.

Э й а з и з! Бу назмга чин кўзунг бирла назар қилғилким, назм:

Ростликни кими қилур изҳор,

Анинг ёри ҳамиша биру бор.

Ҳар киши феъли бадни айлади фош,

Қилди ул ўзиға ямон йўлдош.

Э й а з и з! Ҳаргиз ношойиста сўзни ўйламай сўзламағил.

Э й а з и з! Оғиздин чиқғон сўз камондин чиқғон ўқға ўхшарким, қайтариш муҳолдур.

Э й а з и з! Ҳар ерда танҳомен деб, сўзнинг дафтарини очмағилким, масал бордурким: «Сархорнинг кўзи ва деворнинг қулоқи бор»

ЎН БИРИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Подшоҳларни ғийбат қилмағил.

Э й а з и з! Тилингни ямон сўзға одат қилдурмағил ва ямон сўзға қулоқ солмағил.

Э й а з и з! Ҳар бир ишни тилға жорий қилсанг, ани қилмасдин кўймағил.

Э й а з и з! Ҳарна айғонингға амал қилғил.

Э й а з и з! Ҳар кимға ваъда қилсанг, бир ишни қилмоқ учун ва ё бир жойга бормоқ учун, албатта ул кишини мунтазир қилмағил. Зероки,

мунтазирликни ўлум бирла баробар, дебдурлар.

Э й а з и з! Агарда бир ишнинг ухдасидин чиқмасанг ва ё бир жойга боролма-санг, ҳаргиз бировга ваъда бермағил.

Байт.

Бировга ваъда бергил, ухдасидин гар чиқар бўлсанг,
Вале қилмай вафо аҳдингга, бўлма юз қаролардин.

ЎН ИККИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Бузурглarning зиёратлариға рағбат айлағил ва яхшиларнинг муҳаббатлариға мойил бўлғил.

Э й а з и з! Кечаю кундуз илм ўрганурга ҳарис бўлғил ва ҳеч бир ишни беилм қилмағил.

Э й а з и з! Илм ўрган. Илмнинг фойдаси икки дунёда тегар.

Э й а з и з! Ҳамма муродларнинг калиди илмдур. Илмсиз ҳеч мақсад йўли очилмас.

Назм:

Азизим, бил, муродинг, борича жон илми дин иста,
Бўлай десанг икки оламда султон, илми дин иста.
Дилинг торикини илми «Ақоид»дин мунаввар қил,
Танинг дардиға бўлғай ва тонгла дармон, илми дин иста.
Ҳавас айёмида ўткарма умринг, жумла мақсадни
Қилиб, борича жонинг саъй, чандон илми дин иста.
Талаб беҳуда қилма, ўзгадин матлаб топилмайдур,
Агарда оқил эрсанг, эй суҳандон, илми дин иста.

ЎН УЧУНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Ҳар кишининг сўзиға ишонмағил ва яхши сўз бўлса,

ҳар кишидин эшитғил.

Э й а з и з! Ҳар рост ва ялғонға онт ичмағил.

Э й а з и з! Охиратни бу дунёдин ортуқ билғил.

Э й а з и з! Етимларнинг моллариға яқин бўлмағил ва ҳеч кишиға ҳасад қилмағил.

Байт:

Эй азиз! Ўйлаб, қариликдин уёт,

Пирлик корин йигитликда тузот.

Э й а з и з! Ёшлиқда бу умри гаронмойни ҳар бир ишға ўйламай сарф қилмағил.

Э й а з и з! Бу дунёнинг ҳавою ҳавасиға банд ўлмағил. Ҳайвонлар каби емоқ ва ичмоқ фикрини ташлағил.

Бақияи ғазал.

Агар саъйинг зиёда, ўзга иш илмини билсанг, бил,

Вале лозим сенго ислому иймон, илми дин иста.

Кўрарсен, ўзга миллатлик ўзин илмиға моҳирдур.

Сен, эй Мирзо, бериб миллат учун жон, илми дин иста.

ЎН ТЎРТУНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Қиш кунларида кераклик ишларингни ёз кунларида саранжом қилғил.

Э й а з и з! Қиш кунларида ҳеч ким ўз ватанидан ўзга ерға сиғмас.

Э й а з и з! Букун қиладурғон ишларингни тонглаға қўймағил.

Э й а з и з! Ҳар ишға чусту чолоқ бўлғил.

Э й а з и з! Тандурустлик вақтингда дору истеъмол қилмағил.

Э й а з и з! Агарда одат қилғон бўлсанг, ҳар йил вақти бўлғонда, қон олдурғил.

Э й а з и з! Ҳар ишни қилур бўлсанг, онинг қилмоқида андиша

қилғил.

Э й а з и з! Андиша қилмасдин қилғон ишингдин зарар кўрсанг, дилгир ва ғамгин бўлмағил.

Э й а з и з! Ўзунгнинг бошингга тушгон ишни зинҳор яна бир мўъминнинг бошига солмағилким, мардликдин эмастур.

ЎН БЕШИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Олийҳимматликқа ўзунгни олғил ва бахилликдин йироқ солғилким, сахо учун ваъдалар ва бухл учун ваъидлар сонсиз ва поёнсиз ворид бўлгондур. Эй азиз! Агар ҳожатинг бўлса, жавонмард кишиларни истағил ва нокас ва пастфитратлар қошлариға эҳтиёжингни элтмағил. Эй азиз! Ҳеч кишидин яхшилигингни дариг тутмағил ва кимики сенга яхшилиқ қилса, ани унутмағил.

Э й а з и з! Бу дунёни икки эшиклик саройдин ўзга билмағил ва манзили қарор эътикод қилмағил.

Э й а з и з! Оламнинг фитна ва офатидин ҳазар қилмоқликқа чирмағил, то кўлунгдағи нақдингни қароқларға ройгон бермағил. Эй азиз! Қоронғу йўлга бечароғ юрмағил.

ЎН ОЛТИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Хунар ўргонғилким, хунар чашмаи равон ва давлати бепоёнду. Эй азиз! Хунармандларни зарга ўхшош, дебдурлар. Яъни ҳар киши аларни азиз ва му-қаррам тутғай ва беҳунарларни харга ўхшош, дебдурлар. Яъни ҳар киши аларни хор ва диҷам тутғай.

Э й а з и з! Сиррингни ҳар кимсаға — хоҳ дўст бўлсун ва хоҳ душман, изҳор қилмағил. Агар душман бўлса, айби зоҳирдур ва агар дўст бўлса, бир куни душман бўлмаслиқин муқаррар билмағил. Эй азиз! Бу байт манзариға назар ва анинг фикриға гузар қилғил.

Байт:

Бўлмағил ҳар кимга жонинг бирла йўлдош, ўзгадур,
Айтмағил ҳар кимсага сирринги, сирдош ўзгадур.

Э й а з и з! Ёшурун сўзга қулоқ солмағил ва суханчинлик тўнин
эгнингга олмағил.

ЎН ЕТТИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Ҳар қачон улуғлар суҳбатлариға ноил ва мажлислариға
восил ўлсанг, ҳар тарафға кўз ташламоқдин қолғил ва ҳар сўзга тилни
юбормоқдин ўзни хомушлиқға олғил. Эй азиз! Агарда алардин
бирлари сендин сўз сўрса, ўз ҳолингга боқиб жавоб берғил ва жавоб
бермоқликда таъзим гавҳарин адаб риштасиға терғил.

Э й а з и з! Ҳеч лаззат дунёда тангри таолони ёд қилмоқча ва
анинг зикрин ўзга ёр билмоқча эмас. Эй азиз! Ҳар кишиким ҳаёти
айёмида ҳақ таолонинг ёди бирла ширинком ўтгон бўлса, жон берур
вақтида талхком бўлмас ва ўзиға ажалнинг шарбати ичурулса ҳар,
қалби ўлмас. Эй азиз! Ҳақ таолонинг ёди бандаларға неъматин узмо ва
давлатин кубродур.

ЎН САККИЧИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Ҳеч кимни хор тутмағил, тубанда биров бўлса,
юқоридин ўтмағил.

Э й а з и з! Ул душманки дилининг зироатгоҳиға адоват тухмин
сочгон бўлса, ҳаргиз андин бир умид қилмағил ва бу умид захри била
ҳаёт руҳи талаззузидин айрилмағил.

Э й а з и з! Дўстларнинг қадру қийматларини улуғ билғил ва
алардин саҳл сўз бирла жудо бўлмасликни азм қилғил.

Э й а з и з! Икки тоифа одам раъйининг хилофини қипмоқ
саовбдур. Бири ақлсиз одамнинг, яна бири душманнинг. Зероки,
ақлсиз одам фойда деб, зарарға бошлар ва душман нафъ деб, хатарға
тошлар.

Э й а з и з! Дўстрў душманға қараб кулмағил ва анинг макридин эмин бўлмағил.

Э й а з и з! Ҳар кишики сенга бадхўйлик қилса, ани афв қилғил.

ЎН ТЎҚҚУЗИНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Амонликда худойи таолодин кўпроқ кўрқғил.

Э й а з и з! Оламнинг бало ва офатиға сабр қилғил.

Э й а з и з! Фарохлик вақтида танглик кунларни унутмағил.

Э й а з и з! Бир кўрмоқ бирла ҳар кишининг меҳрибонлиқиға фирефта бўлмағил.

Э й а з и з! Тамкинлик кишининг меҳру вафоси ҳарчанд суст бўлса ҳам, эътимод қилғилким, анинг вафосида бако кўптур. Эй азиз! Кўрғилким, хас ўтун тез ёниб, тез ўчқай ва қоттиғ ўтин суст ёниб, неча муддат турғай.

Э й а з и з! Халқнинг айбиға кўзунгни очмағил ва ўз айбингға назар қилмоқ ва огоҳ бўлмоқдин қочмағил.

Байт:

Сен ўз айбингни фикр айла ду бора,
Бировнинг айбиға қилма назора.

ЙИГИРМАНЧИ ҲИКМАТ

Э й а з и з! Бефойда дўстдин йироқ бўлғил.

Э й а з и з! Душманнинг макридин андиша қилғил ва агар сенга дўст сувратида кўрунса, андин эмин бўлмағилким, душманликда қила олмагон ишларни дўст бўлуб туруб қилғай.

Э й а з и з! Саъй қилғил ва кўшиш айлағил, то бир фазл ва камоле ҳосил қилғилким, фазлсиз ва камолсиз одамнинг тириклигининг ўлғони беҳроқдур.

Э й а з и з! Рост сўзни осмондин ҳам улуғроқ билғил.

Тамом бўлди «Ҳикматнома»нинг таржимаси.

НЎШИРАВОННИНГ ВАЗИРИ БУЗУРЖМЕҲРДИН ҲИНДУСТОН ҲАКИМИНИНГ САВОЛ ҚИЛҒОНИ ВА АНИНГ БЕРҒОН ЖАВОБИ

- Некбахт кимдур?
 - Некбахт ул одамдурки, тоати кўп бўлса гуноҳидин ва хайри ортуқ бўлса шарридин.
 - Бадбахт кимдур?
 - Бадбахт ул одамдурки, тоати оз бўлса гуноҳидин ва хайри оз бўлса шарридин.
 - Тоат кимдадур?
 - Тоат амали солиҳ қилгон кишидадур.
 - Амали солиҳ қайсидур?
 - Амали солиҳ худойи таолонинг улуғлиғини билмоқ ва халқи худоға шафқат қилмоқдур.
 - Раҳмати худой халқға қайсидур?
 - Худонинг раҳмати халқға луқмаи ҳалолдур.
 - Инсоф қайсидур?
 - Инсоф улдурки, ҳар ким ўзиға раво кўрмагон зарарни кишиға ҳам раво кўрмаса.
 - Кимдур ўзиға раво кўрмагон зарарни кишиға раво кўрғай?
 - Хасис, паст ҳиммат ва лаим, ҳосид кишиға ямонлиғни раво кўрар.
 - Одамнинг яхшиси кимдур?
 - Оқил ва донолардур.
 - Оқил ва донолар қайсидур?
 - Оқиллар ва донолар ул одамлардурким, ҳар ишни охириға бокиб шуруъ қилур.
- __ Кайси душман одамға ямонроқдур?
- Нафс одамға душмани қавийдур.
 - Нафснинг душмани кимдур?

- Нафсининг душмани фанодур.
- Фанонинг нишонаси қайсидур?
- Фанонинг нишонаси некукорлик ва камозорликдур.
- Некукорлик ва камозорлик қайдин пайдо бўлур?
- Некукорлик ва камозорлик фориғдилликдин ва тақдири ҳаққа рози бўлмоқдин пайдо бўлур.
- Фориғдиллик қайсидур?
- Фориғдиллик сабр қилмоқдур.
- Беайб кимдур?
- Беайб худойи таолодурким, ҳаргиз нуқсон топилмас ва тағйиранинг зотиға раво эмас, аммо махлуқ беайб бўлмас.
- Кайси нимарса одамиға фойдалиқдур?
- Уламо ва ҳукамоларға машварат қилмоқ ва ишларни фикр ва андиша бирла қилмоқ.
- Кайси одам бу оламда хуррам ва беғамроқдур?
- Улки охиратға зоду тўшасин юборгон бўлса ва бу дунёи фоний муҳаббатидин озод бўлғон бўлса.
- Қайси хислатдурким одамиға ҳамадин писандидароқдур?
- Ҳамадин одамға писандидароқ хислат душманға зафар топғондин сўнгра афв қилмоқдур.
- Олим беҳроқму ё шужоёё ғозий?
- Олим беҳроқдур. Зеро, илмнинг фойда ва ман-фаати ҳам ўзиға тегар ва ҳам халқға.
- Олимлардин қайси беҳроқдур?
- Олимлардин ул беҳроқдурким, илми била амал қилса.
- Подшоҳлардин қайси беҳроқдур?
- Ул подшоҳ беҳроқдурким, одил ва хушхўй бўлса, ғазаб вақтида афв қилса, беақл ва бедиёнатларни сардор қилмаса. Нечунким, нафспарвардин ҳаргиз инсоф ва диёнат келмас. Бақои мулк адлға боғлиқдур. Ҳарчанд подшоҳ одилдур, мулк осудароқдур.
- Илмнинг офати қайсидур?
- Илмнинг офати улдурким, дил ва захрасиға эътимод қилиб, ўзини хатарлик ерларға урса ва душмандин андиша қилмаса.
- Ул нимадурким бандаға худо учун қилмоқ вожиёдур?
- Ул шукри неъматдурким, худойи таолоға бажо кетурса.

- Ул нимадурким андин жон аччиғи ортар?
- Улдурким, тирикликда ўюнга машғул бўлса.
- Ул нимадурким андин жон аччиғи осон бўлур?
- Худотарс бўлса.

БУЗУРЖМЕХҲРИНИНГ САВОЛИ, ҲАКИМИ ҲИНДНИНГ ЖАВОБИ

- Қайси хислатдурким одамни паст мартабадин аъло даражаға еткурур?
- Одамни паст мартабадин аъло даражаға еткурур хислат ақл ва тамиздур.
- Одами на нимарса бирла одамдур?
- Одамининг одамлиғи одамият бирладур, бўлмаса, хайвондур.
- Тавонгар кимдур?
- Қаноат ва ризолиғ, бири сўз бирла нафсни зердаст қилмоқ ва бири анинг муродиға бормаслик.
- Адаб одамиға не фойда берур?
- Адабнинг фойдаси улким, ҳеч кимға ўз тенгларидин муҳтож бўлмас, балки анга алар муҳтож бўлурлар ва катта ва кичик одамлардин сарзаниш тегмас ва ҳама ани дўст тутарлар.
- Оқилға ақлдин нима фойда?
- Оқилға ақлдин фойда улдурким, ғами беҳида едурмас ва ҳар ишда сабрни пеша қилдурур.
- Ул нимадурки ҳамадин аччиғдур?
- Ноаҳлларға муҳтож бўлмоқлик ва алардин ямон сўз эшитмоқлик ва нокаслардин жавру жафо кўрмоқлик.
- Оқилға қайси иш яхшидур?
- Ўлумни ёд қилмоқ ва ўлгонлардин ибрат олмоқким, алардин ўзга мол қолса (Жумланинг давоми босилмай қолган — А. М.).
- Ул нимадурким одамға андин йироқ бўлса, ҳеч алам ва пушаймонлик бўлмас?
- Хамш ва такаббур ва ушбурким, ушбулардин йироқ бўлса, кишиға фойдадур ва армон бўлмас.

- Амаллардин қайсиси яхши ва беҳроқдур?
- Қазоға рози бўлмоқлик ва тақдир ва қисматға бўюнсунмоқлик.
- Оқил кимдур ва зийрак кимдур?
- Оқил улдурким, оқибатандиш бўлса ва ҳар ишнинг охириин ўйласа ва зийрак улдурким, кейин келур воқеани илгари билиб, тадбир қилса.
- Одамға ҳамадин нима айбдур?
- Бахиллик қилмоқ ва ялғон айтмоқ ва суҳанчинлик қилмоқ ва оз гуноҳ бирла қадимги дўстлардин юз ўгурмоқ ва ўз айбини билмай, кишининг айбини ошкор қилмоқ.
- Одамға мол яхшидурму ё ақл?
- Одамға ақл яхшидур. Нечукким, ақл бирла молни қўлга кетурса бўлур ва лекин мол бирла ақлни қўлга кетуруб бўлмас.
- Умрни нимаға сарф қилмоқ керак?
- Илмнинг таҳсилиға сарф қилмоқ керак.
- Илм нима ҳосил берур?
- Илм ўқуғучи агар кичик бўлса улуғ ва агар фақир бўлса, тавонгар бўлур.

Алхамдулиллаҳ, ало ахтом ва-с-салоту ало Муҳаммадин саййидул аном ва ало олиҳи ва асҳобиҳил киром, ки авохири жумодус — сонийда сешанба куни сана 1331 да битилиб, тамом бўлди ушбу «Тухфат ул-атфол» рисоласи.

ЭСЛАТМА: Мазкур рисола унвонида унинг илми ахлоқдан биринчи жузв бўлиб, муаллиф Мирзо ташаббуси билан Хўқанд шаҳрида, Шумаков матбаасида нашр этилганлиги қайд этилган.

Асарнинг қачон чоп этилганлиги ҳақида маълумот йўқ. У кўчирилган йили — ҳижрий 1331 (милодий 1913) йилда босилган бўлиши мумкин.

ЛУҒАТ

Абас — беҳуда.

Адл — тўғрилиқ.

«Акримуз-зайфа ва лав кона кофиран» — «Меҳмон агар кофир бўлса ҳам, уни иззат-икром қилинглари»

(арабча), ҳадис.

Амали солиҳ — яхши ишлар.

Афъоли ба шарр — ёмон феъллар.

«Ақоид» — диний эъти-қод ҳақидаги асар.

Бадхўй — ёмон феълли.

Башар — одам, инсон.

Баҳр — денгиз.

Беҳ — яхшироқ.

Биру бор — худо, тангри.

Бухл — бахиллик.

Бузург — улуғ, катта.

Ваъид — огоҳлантириш, таҳдид.

Борид бўлмоқ — кирмоқ.

Гузар қилмоқ — ўтмоқ.

Далир — ботир, кўркмас.

Дармонда бўлмоқ — қийин аҳволда бўлмоқ, ночор қолмоқ.

Дижам бўлмоқ — эзилмоқ, хор бўлмоқ.

Дилгир бўлмоқ — хафа бўлмоқ.

Дунёи фоний — ўткинчи Дунё.

Дур қилмоқ — узоқлаштирмоқ.

Ёндурмоқ — қайтармоқ,

Жавонмард — олийҳимматли ёш йигит.

Жаҳл эли — билимсизлар, нодон кишилар.

Жаҳондийда — дунё кўрган киши.

Жидду жаҳд айламак — ҳаракат қилмоқ.

Забаржад — қимматбаҳо тош.

Заҳра — ўт, сафро.

Зердаст — тобё, заиф.

Зироатгоҳ — экинзор.

- Зод** — озиқ-овқат, дастмоя, руҳий озиқ.
Зоҳир — кўриниш.
Идбор — бахтсизлик.
Йигурмоқ — йўқотмоқ.
Кадди ямин — меҳнат, азоб.
Кибр — мағрурлик.
Карам аҳли — сахийлар.
Кубро — энг улуг.
Кўшиш айламоқ — ҳаракат қилмоқ.
Маврид — ўринли.
Матлаб — талаб қилинган.
Махлуқ — яратилган.
Маъво — ўрин, жой.
Мувосалат — боғланиш, бир-бирига етишиш.
Мулк — мамлакат, шаҳар.
Мунаввар қилмоқ — ёритмоқ.
Мутакаббир — манман, ўзини катта олувчи.
Муқир бўлмоқ — иқрор бўлмоқ.
Муҳол — қийин, иложсиз.
Мўрчае — бир кичик чумоли.
Мўъмин — имон келтирган киши.
Назора қилмоқ — қарамоқ.
Нафспарвар — нафс бандаси, очкўз.
Нақл — ҳикоят қилиш, ривоят қилиш.
Некбахт — бахтли.
Некукор — яхшилик қилувчи.
Ноаҳл — 1) аҳил змас, ёт, бегона; 2) тубан, паст.
Ножийс — ярамас.
Ноил бўлмоқ — эришмоқ.
Нокас — пасткаш, очкўз, хасис.
Ношойиста — номуносиб.
Офият — соғлиқ, тинчлик.
Оқибатандиш — оқибатни ўйловчи, мулоҳазали.
Пастфитрат — пасткаш, паст табиатли.
Пир — кекса, қари.

Писандида — ёқимли.

Ришта — ип.

Ройгон бермоқ — бекорга бериш.

«Саломатул-инсон **фи ҳифз-ил-лисон**» — «Инсоннинг саломатлиги — тилни тийишда» (**арабча**), ҳадис.

Сардор — бошлиқ.

Сархор — тикан.

Саҳо — сахийлик.

Саъй — ҳаракат.

Саҳл сўз — арзимас сўз.

Силаи раҳм — мурувват.

Суханчин — чақимчи.

Таборақ — худонинг сифатларидан бири.

Таоло — улуғ, олий.

Талаззуз — лаззатланиш.

Талхком — аламзада.

Тамкин — огирлик, вазминлик.

Тараххум — раҳм қилиш.

Таъжил қилмоқ — шошилмоқ.

Тақво — парҳез қилиш, ножўя ишлардан ўзини сақлаш.

Тонгла — эрта.

Торик — қоронғи.

Ток — бино тепасидаги гунбаз.

Тўша жамъ қилмоқ — йўл озиғи жамламоқ (охират ғамини емоқ).

Ужб — такаббурлик, манманлик.

Узв — қисм, аъзо.

Узмо — энг улуғ, энг катта.

Умри гаронмоя — қимматбаҳо умр.

Фирефта бўлмоқ — алданмоқ.

Фитрок — эгарнинг икки ёнидаги тасма.

Хар — эшак.

Хашм — аччиқ, ғазаб.

Хомушлиқ — камгаплик.

Худотарс — худодан қўрқувчи.

Хушхўй — хушфеъл.

Чашмаи равон — оқиб турган булоқ.

Чирмамоқ — ўрамоқ, айлантирмақ.

Чусту чолок — чаққон, эпчил.

Шарр — ёмонлик.

Ширинком — хурсанд, хушвақт; бахтиёр.

Шужоъ — шижоатли.

Шуруъ қилмоқ__ киришмоқ.

Эмин бўлмоқ — хотиржам бўлмоқ, бежавотир бўлмоқ.

Эътимод қилмоқ — ишонмоқ.

Қавий — қувватли, зўр.

Қарок — қарокчи, йўлтўсар.

Ғамгин бўлмоқ — қайғули бўлмоқ.

Ғозий — ғазот килувчи, урушда енгган.

Ҳадиси шариф — Муҳаммад пайғамбар сўзлари.

Ҳамнишин — бирга ўлтирувчи, улфат.

Ҳарис бўлмоқ—очкўз бўлмоқ, бир нарсага ортикча берилмоқ.

Ҳақир — камситилган.

Ҳукамо — ҳакимлар, доялар.

МУНДАРИЖА

Серкирра ижодкор	
Мирзо Хўқандий. «Тухфатул Атфол»	
Луғат	
Илова	